Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 10 ноябрь сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 222 (2003)

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ





***9 ноябрь куни Самарқандда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмита, уюшма ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашди.***

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва тарихий обидаларни тиклаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилганини, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликда муайян муваффақиятлар қўлга киритилганини таъкидлади.

Шу билан бирга, эришилган ютуқлардан боши айланиб қолган айрим раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари вилоят аҳолиси ўртасида ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлди. Маҳаллий раҳбарлар орасида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатлар авж олди.

Йўлбошчимиз янги замон, янги турмушимизга ёт бундай иллатларнинг туб илдизи адолат торозиси бузилганлигида эканини таъкидлади. Улардан фориғ бўлиш учун барчамиз мамлакатимизнинг буюк келажаги йўлида, эл-юрт ғамида ёниб яшашимиз лозим, деди Президент.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Алишер Мардиев ўз аризасига биноан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Тошкент вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Эркин Рўзиевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Н. Жўраев, У. Худойқулов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Б. Олимжонов, М. Усмонов, В. Чжен, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев иштирок этди.

**Беҳзод УСМОН,**
**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**
**СУРАТЛАРДА: сессия пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### Э. М. Рўзиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12 банди) ва 102 моддаларига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 ноябрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### А.М.Мардиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида

Алишер Мардиевич Мардиев ўз аризасига биноан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 ноябрь

## ҚАДИМ ШАҲАРЛАР ЗИЁРАТИ

### САМАРҚАНД

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган якуний йиғилиши қатнашчилари Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди. Шаҳар аэропортида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ва ушбу ташкилотнинг Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки бошчилигидаги делегация аъзоларини вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Нуруллаев, Самарқанд шаҳар ҳокими А.Носиров, бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Нуфузли ташкилот анжумани қатнашчиларининг бу қадимий заминга келиши бежиз эмас. Кўп минг йиллик тарихга ва бой маданиятга эга шаҳар ўзининг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилган нодир меъморлик ёдгорликлари, дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан маълум ва машҳурдир. Шу ўринда ЮНЕСКО шафеълигида улуғ бобокалонларимиз Амир Темур ва Мирзо Улуғбек таваллуд топган кунларнинг тантана қилиниши, шунингдек, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг очилиши, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг ўтказилиши, нафақат Самарқанд, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлганини айтиш жоиз.

Дунёнинг элликдан ортиқ давлатидан ташриф буюрган меҳмонларнинг Самарқанд билан танишуви яқиндагина таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланган буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий масжид мажмуасини бориб кўришдан бошланди. Бу ерда ўта қисқа муддатда амалга оширилган улкан яратувчилик ишларини кўриб, уларга мафтун бўлмай илож йўқ. Ҳазрат қабри устида бунёд этилган маҳобатли, мафтункор мақбара, салобатли масжид, бирбиридан жозибали бошқа кошоналар барчани ҳайратга солди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва унинг бевосита иштирокидаги лойиҳа асосида қад ростлаган бу бетакрор обида асрларга татишига шак-шубҳа йўқ. Чунки унда ўзбекистонлик юзлаб, минглаб қўли гул усталарнинг заҳмати ва ҳассос меҳнати мужассам.

Мажмуа зиёрати чоғида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ўз таассуротларини баён этар экан, жумладан, бундай деди:

— Ўзбекистонлик усталар яратган бу гўзал иморат мени мафтун этди. Каминани ҳаяжонга солган яна бир жиҳат шуки, сизу бизга замондош бўлган ажойиб усталар бундан бир неча юз йил аввал яшаган аждодларининг анъаналарини давом эттириб, қадимда яратилган иморатлар янглиғ кошоналар қурибди. Бу бутун дунёдан келиб ўрганишга арзигулик тадбирдир.

ЮНЕСКО Бош директори Имом ал-Бухорий меъморий ёдгорлигининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. Мазкур китоб энди шундай сўзлар билан бойиди:

***"Мен ўзбек усталари яратган ушбу мўъжизани бутун дунё аҳли келиб кўришини истайман. Имом ал-Бухорий ҳақиқатан ҳам буюк шахс эди. Ўзбек халқи ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу буюк шахсни башариятга яна қайтарди!***

**Федерико МАЙОР,**
**ЮНЕСКО Бош директори.**
***1998 йил 7 ноябрь".***

Бу ерда Ф. Майорга Қуръони Каримнинг ноёб нашри туҳфа этилди. Шундан сўнг ЮНЕСКО делегацияси аъзолари улуғ мунажжим ва давлат арбоби, дунёга машҳур "Зижи Кўрагоний", яъни юлдузлар жадвалини тузган аллома Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг хотира музейи, маҳобатли Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ёдгорликлар мажмуи, Регистон майдони, Гўри Амир мақбарасини катта иштиёқ билан кўздан кечирди. Меҳмонлар, шунингдек, "Сиёб деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамиятида ҳам бўлди. Бозорнинг тўкин-сочинлиги, Самарқанд тупроғининг саховати бўлмиш сархил мевалар, Самарқанднинг донгдор нонларидан татиб кўриш барчага манзур бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида "Афросиёб" меҳмонхонасида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти Академик кенгашининг сессияси бўлди. Уни институт директори академик А. Аҳмедов очди. Анжуманда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор сўзга чиқиб, институт фаолияти, бу ерда олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар самараси ҳақида тўхталди. Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги, маданий, илмий алоқалар натижалари тўғрисида гапирди. Анжуман давомида институт фаолиятига доир ҳисобот тингланди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

### БУХОРО

Кўҳна Самарқанд зиёратидан сўнг ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ҳамда ушбу ташкилот Ижроия Кенгашининг раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги делегация аъзолари қадим Бухорога келдилар. Аэропортда меҳмонларни вилоят ҳокими С. Ҳусенов кутиб олди.

Меҳмонлар қадим Бухоронинг ноёб обидалари — Масжиди Калон, Арк, Лаби Ҳовуз, Мир Араб мадрасаси, Тоқи Заргарон каби қадамжоларни қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилди, уларнинг тарихи, архитектураси билан қизиқдилар. Шунингдек, меҳмонлар Нодир Девонбеги тарихий мадрасасига ташриф буюрди. Бу ерда ташкил этилган бухоролик ҳунармандлар кўргазмаси меҳмонларда катта таассурот уйғотди. Кўргазмадан бухоролик мусаввир Арслон Рамазонов ижоди намунаси — Федерико Майорнинг қоракўл терисидан тайёрланган портрети ҳам жой олган эди. Муаллиф бу асарини Федерико Майорга ҳадя қилди. Бухоро сафари ниҳоясида Федерико Майор ЎзА мухбирига қисқача интервью берди:

— "Ўзбек ўзига бек" деган гапни эшитганман, — деди Федерико Майор.— Унинг замирида қандай маъно ётганини ушбу ташрифим чоғида янада кенгроқ англадим. Яъниким, бу гап халқнинг эркини, ўз-ўзини назорат қила билишини англатади. Ўз-ўзини назорат қилиш эса кўзланган мақсад сари собит қадам ташлаш, бу йўлдаги тўсиқларни сабр-матонат билан енгиш ва бошқа кўп жиҳатларни ўзида мужассам этадики, буларсиз тараққиётга эришиш мумкин эмас. Мен Ўзбекистон халқига, Президент Ислом Каримовга буюк давлат барпо этиш йўлида куч-қувват, муваффақиятлар тилайман.

Шу куни меҳмонлар Парижга жўнаб кетди.

**Ҳамза ШУКУР,**
**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбирлари.**

## ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

***Испанияда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган ўзбекистонлик шахматчи Иброҳим Ҳамроқулов жаҳон чемпиони бўлди.***

— Испаниядаги ҳозирги жаҳон чемпионатида 90 мамлакатдан 1000 нафарга яқин энг кучли шахматчи иштирок этди, — дейди делегация раҳбари Роман Ким. — Унда республикамиздан 8 йигит-қиз қатнашди.

Бундай рақобатга дош бериш учун шахматчи юксак маҳоратдан ташқари, халқаро мусобақаларда иштирок этишда катта тажрибага ҳам эга бўлиши керак. Самарқанддаги бутун Ўзбекистонга машҳур бўлган Ҳамроқуловларнинг шахматчилар оиласида вояга етган Иброҳим Ҳамроқуловнинг турнирда ғолиб чиқиши учун ҳамма имконият мавжуд эди. У республика чемпиони унвонини бир неча марта қўлга киритган, Ўзбекистон олий лигасида шахматчилар билан беллашишда тажриба орттирган, бу йил Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 1-2-ўринларни бўлишиб олган.

Иброҳим энг кўп сонли кичик гуруҳда беллашиб, ўз имкониятларидан тўла фойдаланди. 95 мамлакатдан 110 нафар кучли шахматчи иштирок этган бу кичик гуруҳда у 8 та ўйинни ғалаба билан якунлаб, икки ўйинни ютқазди ва бир ўйинда дуранг натижага эришди.

Ғалаба бежиз олтин медаль билан баҳоланмайди. Спортчи бу ғалабага эришиш учун қийин йўлни босиб ўтади. Россиялик Сергей Григорянц каби жаҳон чемпионларига қарши дона сурган Иброҳимнинг бу катта ғалабаси ҳам осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бир неча бор жаҳон чемпионлари Нана Александрия ва Нона Гаприндашвили Иброҳимнинг ўйинларини кўриб, қойил қолишди.

Бу чемпионатда тошкентлик Лена Лёвушкина ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 11 имкониятдан 7,5 хол тўплади. Лена жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиши учун бир хол етишмади. Турнирда биринчи бор иштирок этган Олга Сон эса 6 хол тўплади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳол шахматчи қизларимиз келажакда янги-янги ғалабаларни қўлга киритишидан далолат беради.

**(ЎзА)**

## «ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС ҚИЛИНГ»

***Лондонда ҳар йили ўтказиладиган «Ўзбекистонда бизнес қилинг» мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини тугатди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси қатнашди.***

Конференция арафасида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Британия Савдо ва саноат кенгашининг олтинчи мажлисида кенгашнинг ўтган йилги иш натижалари муҳокама қилинди. Йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси ва Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва молия-сармоя бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди. Ўрта ва кичик бизнес соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, келгусида бевосита хорижий сармояларни қишлоқ хўжалиги, туризм ва халқ хўжалигининг бошқа устувор соҳаларига жалб этиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Йиғилиш натижалари бўйича Ўзбекистон-Британия Савдо ва саноат кенгаши раисдошлари Б. Ҳамидов ва Буюк Британия Савдо ва саноат вазирлиги департаменти раҳбари Ж. Брей томонидан имзоланган қўшма баёнот қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистонда бизнес қилинг» мавзуида ўтказилган бу йилги Лондон анжумани бутун дунё сармоядорлари ва бизнесменлари диққат-эътиборини ўзига жалб қилди. Бунинг сабаби нафақат Ўзбекистоннинг минерал-хомашё бойликларига эга экани билан, балки, аввало Ўзбекистон ўзини хорижий сармоялар киритиш учун сиёсий барқарор ва иқтисодий жиҳатдан ишончли давлат эканлигини кўрсатгани билан изоҳланади. Йилдан-йилга Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишни истовчи фирма ва компаниялар сони ўсиб бормоқда. Конференция ишида Буюк Британия, АҚШ, Германия, Австралия, Франция, Япония, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг кўзга кўринган компания ва молия идораларининг вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Буюк Британия давлат Ташқи ишлар вазири Жойс Куин кириш сўзи билан очди. У ўзининг чиқишида таъкидладики, британ ҳукумати Марказий Осиёнинг энг йирик бозори сифатида тан олинган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Сиёсий барқарорлик ва инвестициялар учун қулай шароит эса Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга бўлган қизиқишнинг ошишига ва республикага чет эл сармоясининг янада фаолроқ киришига ёрдам бермоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири муовини Б. Ҳамидов мамлакатимиздаги иқтисодий ўзгаришларнинг бориши тўғрисида тўлиқ маълумот берди ва тайин сармоядорларга танишиб чиқиш учун устувор инвестиция лойиҳалари рўйхатини тақдим этди.

Бизнинг бозоримиз бўйича иш тажрибасига эга фирма ва компаниялар вакиллари чиқишида республикада амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берилди. Бир қатор маърузаларда Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғрилиги, бунинг ҳозирги вазиятда тасдиқлангани, ваҳоланки МДҲнинг кўпчилик мамлакатлари танлаган иқтисодий модел ушбу мамлакатлар ичкарисида иқтисодий инқирозга олиб келгани ва дунё инқирозига қарши туролмагани эслатиб ўтилди.

Анжуман иши доирасида Ўзбекистон ҳайъати Савдо ва саноат давлат вазири Ким Хоуэл, экспорт кредитларини кафолатлаш департаменти раҳбари В. Браун, «Ротшильд ва ўғиллари» ва «Барклайз» банклари раҳбарияти билан учрашув ўтказди. Унда банклар ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилишни фаоллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Буюк Британия парламентида ўзбек ҳайъатининг Ўзбекистон бўйича бутунпартия парламент гуруҳи раиси лорд Уэйверли билан учрашуви бўлди.

Икки томон вакиллари «Ўзбекистонда бизнес қилинг» конференциясининг республика иқтисодига бундан буён хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадига хизмат қилишини ҳамда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилиши ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида янада ривожланишига кўмаклашишини якдиллик билан таъкидладилар.

**Б. МАМАЖОНОВ,**
**Ж. МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА махсус мухбирлари.**

*«ОБУНА-99»*



## ЯҚИН СУҲБАТДОШ

***Ҳамма буюк ишлар, улкан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиш, албатта, Сиз, озод замондошимиз туфайлидир. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик нашрларидан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Яъни Сизнинг манфаатларингиз, уй-орзуларингиз олиб чиқилади.***

«Халқ сўзи» халқники. Унинг маънавияти, қадрқиммати ифодаланади бунда. Ҳар қандай тўқималардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холис суҳбатдош истасангиз, юртимизнинг келажаги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Элимиз дастурхонининг тўкинлиги, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчимаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Азизлар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йилимизда рўй беражак воқеалар ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевосита чамбарчас кечади, албатта.

Ҳаётнинг ўзига яраша янгиликлари, турли-туман воқеаларини бағрига олиб янги кун бошланади. Тонг отади. Ана шу беғубор, сокин тонг нафаси, кайфияти заминни тарк этмай туриб, тафсилотлар эшигини очган «Халқ сўзи»ни қўлга оласиз. Фикрингизни чархлайсиз. Маънавий чанқоқлик ҳовури босилади. Бу ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган давлат. Шу давлатдан бебаҳра қолишни истамаган юртдошларимизга эса нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:

**Нашр кўрсаткичи:**
якка газетхонлар учун — 166
ташкилотлар учун — 167

| Обуна нархи: | 1 ойга П/қ: | манзил | 6 ойга П/қ: | манзил | йиллик П/қ: | манзил |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| - якка шахслар учун | 287 | 335 | 1.772 | 2.010 | 3.444 | 4.020 |
| - ташкилотлар учун | 963 | 1.170 | 5.778 | 7.020 | 11.556 | 14.040 |

**Ташкилотлар, корхоналар, компания ва концернлар, бирлашма ва муассасалар, фирмалар раҳбарлари**

**ДИҚҚАТИГА**

**«Халқ сўзи» газетаси таҳририяти 1999 йил обунасини ташкил қилиш якунлари юзасидан энг фаол иштирокчиларни рағбатлантириш бўйича**

**МУКОФОТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**



*Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:*

1. *«Халқ сўзи»га 200 дона йиллик обуна учун* — ТЕЛЕВИЗОР
2. *300 дона учун* — ВИДЕОМАГНИТОФОН
3. *500 дона учун* — РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР
4. *1000 дона учун* — «DAEWOO» ВИДЕОИККИЛИГИ
5. *3000 дона учун — (супермукофот)* — «ТИКО» автомобили

*Шунингдек, обуна мавсумида фаол иштирок этганлар қимматбаҳо совғалар оладилар ҳамда «Халқ сўзи»га бепул обуна бўлиш имтиёзига эга бўладилар.*

**«Халқ сўзи»га ёзилинг ва мукофотлар соҳиби бўлинг!**

